

Росулуллоҳнинг турмушлари ҳақида келган ҳадислар баёни.

﴿بَابُ مَا جَاءَ فِي عِيشٍ رَسُولُ اللَّهِ﴾

صلی اللہ علیہ وسلم

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبکي]

Абу Ийсо Мұхаммад ибн Ийсо Термизий

Таржимон: Абдуллоҳ Шариф

Нашрға тайёрловчи: Шамсiddин Дарғомий

2009 - 1430

islamhouse.com

﴿باب ما جاء في عيش رسول الله ﷺ﴾

صلى الله عليه وسلم

«باللغة الأوزبكية»

أبو عيسى محمد بن عيسى الترمذى

ترجمة: عبد الله شريف

تحرير: شمس الدين درغامي

2009 - 1430

islamhouse.com

بسم الله الرحمن الرحيم

الحمد لله نحْمَدُه ونستعينُه وننْتَوْبُ إِلَيْهِ ، ونَعُوذُ بِاللهِ مِنْ شَرِّورِ أَنفُسِنَا وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِهُ اللهُ فَلَا
مُضْلِلٌ لَهُ وَمَنْ يَضْلِلُ فَلَا هَادِيٌ لَهُ ، وَأَشْهَدُ أَنَّ لَا إِلَهَ إِلَّا اللهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ
صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَعَلَى آلِهِ وَأَصْحَابِهِ وَمَنْ تَبَعَهُمْ بِإِحْسَانٍ وَسَلَّمَ تَسْلِيمًا أَمَّا بَعْدُ :

Ассалому алайкум вараҳматуллоҳ вабаракотуҳ! Ҳурматли мұғын биродарлар
бу "шамоили мұхаммадия" китобидан бўлаётган дарсларимиздан ўттиз биринчи
дарс бўлиб, бу дарсда битта бобда келган ҳадисларни ўқиб сұхбат қурамиз
иншааллоҳ.

(52) بَابُ مَا جَاءَ فِي عِيشِ النَّبِيِّ

وَفِيهِ (٩) أَحَادِيثٍ

**Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг турмушлари ҳақидаги боб.
Бу бобда тўққизта ҳадис ривоят қилинади.**

369 - حدثنا قتيبة بن سعيد ثنا أبو الأحوص عن سماع بن حرب قال سمعت النعمان بن بشير يقول ألسنت
في طعام وشراب ما شئتم لقد رأيت نبيكم وما يجد من الدقل ما يعلأ بطنه

Нўймон ибн Баширдан ривоят қилинади, у зот тобииналарга шундай -деган
эканлар: "Сизлар ҳозир истаганларингча нозу неъматга чулғаниб, еб-
ичмаяпсизлар-ми? Мен Пайғамбар алайҳиссаломни қорин тўйдирадиган қуриган
хурмо қоқисини ҳам топа олмаганликларини кўрганман".

370 - حدثنا هارون بن إسحاق ثنا عبدة عن هشام بن عروة عن أبيه عن عائشة قالت إن كنا آل محمد
غكث شهرا ما نستوقد بنار إن هو إلا التمر والماء

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади, айтадиларки: "Биз Мұхаммад
алаҳиссалом аҳлибайтлари бир ойлаб қозон қайнатмас эдик. Тирикчилигимиз
фақат хурмо қоқиси ва сув билан ўтар эди".

371 - حدثنا عبد الله بن أبي زيد ثنا سيار ثنا سهل بن اسلم عن يزيد بن أبي منصور عن أنس عن أبي طلحة
قال شكونا إلى رسول الله الجوع ورفعنا عن بطوننا عن حجر حجر فرفع رسول الله عن بطنه عن حجرين
قال أبو عيسى هذا حديث غريب من حديث أبي طلحة لا نعرف إلا من هذا الوجه ومعنى قوله ورفعنا عن
بطوننا عن حجر حجر كان أحدهم يشد بطنه الحجر من الجهد والضعف الذي به من الجوع

Абу Толҳадан ривоят қилинади, айтадиларки: "Пайғамбар алайхиссаломга очлигимизни шикоят қилиб бордикда, у зотга қорнимизни очиб биттадан бойлаб олган тошларимизни күрсатдик. Шунда у зот ҳам, муборак қоринларини очдилар, қарасак у зот иккита тош бойлаб олган эканлар".

Абу Ийсо Термизий айтадиларки: "Бу ҳадис Абу Толҳа тарафидан ғариблик ҳукмини олади. Чунки биз бу ҳадисни фақат манашу жихатдангина ривоят қилинганини биламиз. Аммо тош бойлашдан бўлган мақсад шуки, одам овқат емай ҳолсизланиб қолиши натижасида, унинг бели буқчайиб қоматини тик тутиб туролмай қолади, шунинг учун қорнига тош бойлаб олса, ҳар ҳолда ўзини тетикроқ ҳис қиласди".

372 - حدثنا محمد بن إسماعيل ثنا آدم بن أبي إياس ثنا شيبان أبو معاوية ثنا عبد الملك بن عمير عن أبي سلمة بن عبد الرحمن عن أبي هريرة قال خرج النبي في ساعة لا يخرج فيها ولا يلقاء فيها أحد فأتاه أبو بكر فقال ما جاء بك يا أبا بكر قال خرجت أ لقي رسول الله وأنظر في وجهه والتسليم عليه فلم يلبث أن جاء عمر فقال ما جاء بك يا عمر قال الجموع يا رسول الله قال وأنا قد وجدت بعض ذلك فانطلقو إلى متزل أبي الهيثم بن التيهان الأنصاري وكان رجلاً كثيراً الخيل والشجر والشاء ولم يكن له خدم فلم يجدوه فقالوا لامرأته أين صاحبك فقالت انطلق يستعذب لنا الماء فلم يلبثوا أن جاء أبو الهيثم بقرية يزعبها فوضعها ثم جاء يلتزم النبي ويفديه بأبيه وأمه ثم انطلق بهم إلى حدائقه فبسط لهم ساطاً ثم انطلق إلى خلة بقنو فوضعه فقال النبي أفلأ تنقيت لنا من رطبه فقال يا رسول الله إيني أردت أن تختاروا أو قال تخبروا من رطبه وبسره فأكلوا وشربوا من ذلك الماء فقال النبي هذا والذي نفسي بيده من النعيم الذي تسألون عنه يوم القيمة ظل بارد ورطب طيب وماء بارد فانطلق أبو الهيثم ليصنع لهم طعاماً فقال النبي لا تذبحن لنا ذات در فذبح لهم عناق أو جدياً فأتاهم بها فأكلوا فقال النبي هل لك خادم قال لا قال فإذا أتانا سبي فأتنا فأتي النبي برأسين ليس معهما ثالث فأتاه أبو الهيثم فقال النبي اختر منهما فقال يا نبی اللہ اختر لی فقال النبي إن المستشار مؤمن خدا هذا فإین رأیته يصلی واستوص به معروفاً فانطلق أبو الهيثم إلى امرأته فلخبرها بقول رسول الله فقالت امرأته ما أنت ببالغ حق ما قال فيه النبي إلا بأن تعتقه قال فهو عتيق فقال إن الله لم يبعث نبياً ولا خليفة إلا وله بطانتان بطانة تأمره بالمعروف وتنهاه عن المنكر وبطانة لا تأله خبلاً ومن يوق بطانة السوء فقد وقى

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, айтадиларки: "Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни күчага ҳеч ким чиқмайдиган маҳал чиқдилар. Қўқис Абу Бакр келиб қолдилар. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам

- Абу Бакр! қаердан келиб қолдинг?- дедилар.

-Оллоҳнинг Росулини дийдор кўриб, унга салом берсам -деб уйдан чиқсан эдим – дедилар. Кўп ўтмай Умар ҳам келиб қолдилар. Пайғамбар алайҳиссалом у зотга ҳам

-Сен нима сабабдан бу вақтда уйдан чиқдинг?- дедилар.

- Сабаби очликдир ё Росууллоҳ! Саллаллоҳу алайҳи васаллам -деди Умар розияллоҳу анху.

-Шунда Пайғамбар алайҳиссалом мен ҳам шу сабабдан уйдан чиқсан эдим. Келинглар! Абу Ҳайсам ал-Ансорийнинг манзилига борамиз –дедилар.

Абу ҳайсам хурмозорлари бор ва қўй-эчкилари кўп одам эди. Унинг хизматкори бўлмай, чорполарига ўзи қарар ва дараҳтларини ҳам, ўзи суғориб парвариш қиласи эди. Шунинг учун унинг уйига боргандарида, у киши уйда йўқ экан. Аёлидан -хўжайнингиз қаердалар? –деб сўрашди.

-Уйга чучук сув олиб келгани кетган эдилар -деди аёл.-*Мадина аҳлиниң ичимликлари асосан қудуқлар суви эди. Кейин бу қудуқлардаги сувлар ҳаммаси ҳам, чучук бўлавермасди. Балки аксар қудуқлар суви шўр бўларди. Шунинг учун қудугидаги сув шўр бўлган одамлар, чучук сувларни боиша бирорларнинг қудугидан олиб келишарди.*-

Кўп ўтмай Абу Ҳайсам ҳам, тиришиб-тирмашиб бир мешда чучук сув кўтариб келиб қолди. Пайғамбар алайҳиссаломни кўрган заҳоти қўлидан мешни ерга қўйиб, Пайғамбар алайҳиссаломга қучоқ очиб қутлаб олди ва у зотга ота-онам сизга фидо бўлсин?- деб. Оллоҳнинг Росули бу саҳоба остонасига қадам ранжида қилганликларидан мамнун эканлигини изҳор қилди. Сўнг уларни боғ томон етаклаб бориб, улар остиларига тўшак солди-да, ўзи эса зудлик билан янги хурмо мевасини, шохи билан бирга синдириб олиб, уни уларнинг олдиларига қўйди. Пайғамбар алайҳиссалом, пишган-пишганини териб келмабсанда? –дедилар.

-Ё ! Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам! сизлар хурмонинг янги пишгани-юғурасидан танлаб-танлаб ейишларингизни ҳоҳладимда-деди. Улар бу хурмолардан еб, ширин сувлардан ичиб бўлишгач, Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: “Жоним унинг қўлида бўлган зотга қасамки, манабулар, қиёмат куни сизлар у ҳақда сўралажак бўлган неъматлардир” дедилар. Салқин соя, ширин хурмо ва муздек сув. Абу Ҳайсам овқат таёрлаш мақсадида ўрнидан туриб кетиб қолди. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом унинг ниятини сезиб қолиб, яна бизга соғин жониворни сўйиб юбормагин! -дедилар. Абу Ҳайсам уларга эчки ёки такача сўйиб, уни пишириб келди. Унинг гўштидан ҳам танавул қилишдилар. Сўнг Пайғамбар алайҳиссалом Абу Ҳайсамга

-сени хизматкоринг борми?- дедилар.

-йўқ! –деб жавоб қилди Абу Ҳайсам.

-Асиrlар қўлга олинганда, мени олдимга келгин!.

Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга икки асиr қўлга олиниб келтирилганда, Абу Ҳайсам Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳузурларига келди.

Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Ҳайсамга танла!- дедилар. Абу Ҳайсам, ўзингиз танлаб бера қолинг! Ё Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам!

-деди. Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам, маслаҳат сўралган киши омонатли бўлади –деб, сўнг манабуни олгин, чунки мен уни намоз ўқиганини кўрдим ва унга яхшилик қилгин! –дедилар. Абу Ҳайсам уйига қайтиб келиб, хотинига Пайғамбар алайҳиссаломнинг унга яхшилик қилгин!- деган сўзларини

айтиб берди. Хотини унга, сиз бу қул ҳаққида Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам қилган васиятни фақат, бу қулни, қулликдан озод этиш йўли ила амалга ошира олишингиз мумкин -деди. Шунда Абу Ҳайсам, бу озоддир -деди. Кейин Пайғамбар алайҳиссалом айтдиларки: Оллоҳ таоло қайсики пайғамбар ёки халифани, ҳалқига юборган бўлса, албатта унинг иккита сирдоши бўлган, бири уни яхшилик амалларига чорлаб, ёмонликлардан қайтарган. Иккинчиси эса, унга ҳамиша ёмонликни тавсия этиб, бу борада ҳеч қусурлик қилмайди. Кимики манашунинг ёмонлигидан сақланар экан, албатта у, ҳамма ёмонлик ва ҳалокатдан омондадир".

373 – حدثنا عمر بن إسماعيل بن مجالد بن سعيد حديثي أبي عن بيان بن بشر قيس بن أبي حازم قال سمعت
سعد بن أبي وقاص يقول إني لأول رجل أهراق دما في سبيل الله عز و جل وإني لأول رجل رمى بسهم في
سبيل الله لقد رأيتني أغزو في العصابة من أصحاب محمد عليه الصلاة و السلام ما نأكل إلا ورق الشجر
والخلبة حتى تفرحت أشداقنا وإن أحدهنا ليضع كما تضع الشاة والبعير وأصبحت بنو أسد يعزروني في الدين
لقد خبت وخسرت إذا وضل عملي

Саъд ибн аби Ваққос розияллоҳу анхудан ривоят қилинади, айтдиларки: "Оллоҳ йўлида биринчи бўлиб, қон тўккан ва биринчи бўлиб Оллоҳ йўлида камон ўқи узган одам менман. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир гуруҳ асҳоблари билан биргалиқда ғазотга чиққан эдим. Шунда биз дараҳт ва буталарнинг баргларидан бошқа нарса еган эмасмиз, ҳатто лунжларимиз ёрилиб кетган эди. Ҳатто бўшангандা худди қўй ва туяга ўхшаб қумалоқ қўяр эдик. Ҳозир энди Бану Асад мени, динда қосирлик билан айбламоқдалар. Агар, улар айтгандек бўлсан, умрим завол бўлиб, амалларим ҳабата бўлиб кетсин".

Изоҳ: Саъд ибн Ваққос Умар ибн Хаттоб даврларида Ироқ диёридаги Куфа шаҳрига шахсан Амирул мўъминин Умар ибн Хаттоб тарафларидан амир этиб тайинланган эдилар. Умар ибн Хаттоб одатларига кўра қўл осталаридан амирларнинг ҳол-аҳволидан хабар олиб, асло назоратларидан четда қолдирмас эдилар. Бир куни манашу мақсадда Куфа шаҳрига унинг амири ҳақида маълумот олиб келиши учун, чопар жўнатадилар. Чопар шаҳарга этиб келгач, Куфа шаҳрининг ношукур бевафо аҳолиси, Саъд ҳақларида бўлмагур сўзлар айтиб, шикоятлар қилишиади. Бу хабар Умар ибн Хаттобга этиб келганда, у зот бу хабарни ёлғон эканлигига тўла ишончда бўлсаларда, лекинadolat бобидан, Саъд розияллоҳ анху билан учрашиб, воқеани ўзларидан сўрайдилар. Шунда Саъд, инсон исломга хизмат қилиши у ёқда турсин, балки ислом динига кишиига қўрқадиган оғир дамларда, ислом учун қўрсатган олий хизматларини, унинг йўлида чеккан захматларини яширмай айтиб бериб, кечагина исломни қабул қилган, ҳали иймон қалбларига яхши жойлашмай туриб, исломда Пайғамбар алайҳиссалом билан елкама-елка туриб, буюк хизматлар қўрсатган, Оллоҳ қуръонда мақтаган саҳобалар ҳақида бўйтон сўзлар гапирган бевафо нонкўр қавмнинг тўхматчи эканликларини баён қилдилар. Шунда Умар розияллоҳу анху Саъд ибн аби Ваққосга, биз сизнинг ҳаққингизда худди шундай гумонда эдик эй! Абу Исҳоқ!-дедилар.

374 – حدثنا محمد بن بشار ثنا صفوان بن عيسى ثنا عمرو بن عيسى أبو نعامة العدوى قال سمعت خالد بن عمير وشويسا أبا الرقاد قالا بعث عمر بن الخطاب عتبة بن غزوان وقال انطلق أنت ومن معك حتى إذا كتم في أقصى بلاد العرب وأدنى بلاد أرض العجم فلقلوا حتى إذا كانوا بالمريد وجدوا هذا الكذان فقالوا ما هذه قالوا هذه البصرة فساروا حتى إذا بلغوا حيال الجسر الصغير فقالوا لهما أمرتم فتلوا فذكروا الحديث بطولة قال فقال عتبة بن غزوان لقد رأيتني وإنني لسابع سبعة مع رسول الله ما لنا طعام إلا ورق الشجر حتى تقررت أشداقنا فالنقطت بردة فقسمتها بيني وبين سعد مما من أولئك السبعة أحد إلا وهو أمير مصر من الأمصار

وستجربون الأمراء بعدها

Абу Наома ал-Адавийдан ривоят қилинади, айтадиларки: "Холид ибн Умайр ва Шувайс Абу Рақоддан эшитдим, айтдиларки: "Умар ибн Хаттоб Утба ибн Ғазвонни бир ерга ғазот учун жүннатиб, у кишига айтадиларки: "Одамларинг билан бирга йўлга отлан! Араб ерларининг ниҳояси, ажамлар ерларининг бидоясига етгунигча йўлингда давом этавер". Дарҳақиқат улар йўлга чиқиб, ҳатто Мирбад –яъни тую молларни боқиладиган ёки хурмо құритиши учун, маҳсус жой, бундан мақсад ўша Басра яқинидаги жойга- етиб келганларида, мармар деворлик шаҳарга дуч келадилар. Улар бу қайси шаҳар? деб сўрайдилар. Шунда бу Басра дейилади. Кейин улар бу ердан ўтиб кетишади, сўнг бир кичик кўприкга етиб келиб, бизларга тайинланган макон худди шу ер. -деб ўша ерда тўхтайдилар. Ровий бўлган воқеани тўлалигича зикр қилиб, кейин воқеадан бобга тааллуқли ерини ўзинигина ҳикоя қилиб, айтадики: Утба ибн Ғазвон айтадиларки: Мен Росулуплоҳ саллалпоҳу алайҳи васалламга иймон келтирган кишиларнинг еттинчиси эдим. Ўшанда бизлар ейдиган таом фақат дараҳтларнинг барглари ва ўт-ўланлар эди. Ҳатто бу таомдан лўнжларимиз ёрилиб кетган эди. Мен бир тўнга эга бўлиб қолдим. Кейин эса уни Саъд икковимиз бўлишиб олдик. Ҳозирда Манашу етти кишиларнинг ҳар бири алоҳида биттадан шаҳарга амир бўлиб қолдилар. Ҳали сизлар бизлардан кейин амирларни кўрарсизлар".

Изоҳ: Айтиб ўтганимиздек ношукур бандалар яшиликка ёмонлик билан жавоб қиласилар. Агар уларга қўйиб берсангиз бошқа ҳадисда айтилгандек: Агар одамларга қўйиб берсанг, улар бирорларнинг қониу молларини даъво қиласилар. Лекин даъвогарга далил келтириши, устидан даъво қилинган шахс эса қасам ичиши лозим. Манашуңдай иллатга грифтор бўлганликлари учун Саъд розияллоҳу анҳунинг қадрларини билмадилар. Саъд розияллоҳу анҳунинг қадри қимматларини Оллоҳнинг Росули Муҳаммад алайҳиссалом жуда яхши билган эдилар. У зотга ҳатто Уҳуд газавоти куни ёнларида туриб, у кишига камон ўқи олиб бериб турган эдилар ва отинг! Сизга ота-онам қурбон бўлсин! Отинг! Эй! Саъд. Кейин эса Эй Оллоҳ Саъднинг ўқини хато кетказмагин! Дуосини ижобат қилгин!- деб у зотнинг ҳаққиласида бир қанча дуолар қилган эдилар. Пайгамбар алайҳиссаломнинг дуолари бешак мустажобдир. Баъзи саҳобалар Саъд розияллоҳу анҳуни хафа қилиб қўйсалар дарров кечирим сўраб, мени дуоибаъд қилиб қўйманг! тагин, чунки сизни дуоингиз албатта мустажоб! -дейишарди. Саъд розияллоҳу анҳуни Бир киши

урушида қўрқоқ, адолатни билмайдиган, раиядан хабар олмайдиган худбин одам -деб! ҳақоратлаб у кишининг устиларидан бўхтон-ёлғонларни сўзлайди. Шунда Саъд у одамга дуюбад қилган эдилар. Дуолари ижобат бўлиб, у қариган чогида қашшоқчиликларни бошидан кечириб, фитналарга дуч келиб, мени Саъднинг дуоси урган! Мени Саъднинг дуоси урган –деб! юрар эди. Оллоҳнинг валийларига адоватли бўлиб, уларни ноўрин ҳақоратлашидан эҳтиётда бўлмоқ даркор, чунки ҳадисда хабар қилинишича: Оллоҳ таоло, ким менинг валийимга адоват қиласа мен унга уруши эълон қиласман!- дейди.

375 - حدثنا عبد الله بن عبد الرحمن ثنا روح بن اسلم أبو حاتم البصري ثنا هاد بن سلمة ثنا ثابت عن أنس قال قال رسول الله لقد أخفت في الله وما يخاف أحد ولقد أوذيت في الله وما يؤذى أحد ولقد أنت على ثلاثون من بين ليلة ويوم وما لي ولليل طعام يأكله ذو كبد إلا شيء يواريه إبط بلال

Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинади, айтадиларки: "Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки: Ҳеч ким қўрқмайдиган даврда менга Оллоҳдан қўрқиш ато қилинди. Ҳеч ким озор чекмайдиган даврда, мен Оллоҳ йўлида азиятлар чекдим. Гоҳо мени бошимдан шундай даврлар ўтдики, ўттиз кеча-ю кундуз мен ва Билол тирик жон егулик бирор нарса топа олмадик, магар Билолнинг қўлтиғи беркитган –бу киноя сўзлардан бўлиб, таомнинг озлигига далолат қиласи, агар кўп бўлганда эди, албатта қўлтиқ остига сизмасди- нарса бўларди".

376 - حدث عبد الله بن عبد الرحمن أبا عفان بن مسلم ثنا أبان بن يزيد العطار ثنا قتادة عن أنس بن مالك أن النبي لم يجتمع عنده غداء ولا عشاء من خبز ولحm إلا على ضفت قال عبد الله قال بعضهم هو كثرة الأيدي

Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинади, айтадиларки: "Пайғамбар алайҳиссаломнинг тушлик овқатларида бўлсин, ёки кечки овқатларида бўлсин, асло нон билан гўшт жамланган эмас. Фақат меҳмон келгандагина бўларди. Абдуллоҳ айтадиларки: баъзилар зафаф калимасиниг маъноси -товоқ ёки дастурхон устиди- қўлларнинг кўп бўлишидир –дейишади". –яъни бундан меҳмонлар назарда тутилмоқда.

377 - حدثنا عبد بن حميد ثنا محمد بن إسماعيل بن أبي فدييك ثنا ابن أبي ذئب عن مسلم بن جنيد عن نوفل بن إياس الهدلي قال كان عبد الرحمن بن عوف لنا جليسا وكان نعم الجليس وإنه انقلب بنا ذات يوم حتى إذا دخلنا بيته ودخل فاغتسل ثم خرج وأتينا بصفحة فيها خبز ولحm فلما وضعت بكى عبد الرحمن فقلت له يا أبا محمد ما ييك فقال هلك رسول الله ولم يشبع هو وأهل بيته من خبز الشعير فلا أر أنا آخرنا لما هو خير لنا

Навфал ибн Иёс ал-Хузалийдан ривоят қилинади, айтадиларки: "Абдурраҳмон ибн Авф бизнинг сұхбатдошимиз әдилар. Сұхбатдошимиз ниҳоятда улуғвор инсон әдилар. Бир куни у зот бизларни, үйларига таклиф қилдилар. Биз үйларига кирдик, үйларида ғұсп қилиб, сүңг бизларни олдимизга чиқдилар. Кейин эса бизларга бир товоқда нон ва гүшт келтирилди. У товоқ дастурхонга қўйилган вақт, Абдурраҳмон ибн Авф йиғлаб юбордилар. Мен, або Мұхаммад! нима учун йиғлаляпсиз?- дедим. Шунда у киши айтдиларки: Ресуллороҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари ҳам, аҳл-аёллари ҳам, бу дунёдан арпа нонига қорин тўймай ўтиб кетдилар. Бизлар умримиз узоқ қилиниб, бу неъматларга мушарраф бўлишимиз яхшилик аломтидир! -деб ўйламайман".

Изоҳ: Бутун оламларнинг сарвари Мұхаммад алаіхиссаломнинг мадрасаларида таълим олган бу олий жсаноб шахслар, фоний дунёнга ҳирс қўймай, охират гамида яшаб ўтиб кетдилар. Шунинг учун улар дунёга чулганиб кетган чоғларида ҳам, бу неъматларни абадий неъмат –деб! билмадилар, балки бу неъматларни ўткинчи, бебақодир деб, ҳамиша тугалмас ва битмас неъматлар учун ва олий мақомлар сари сай-ҳаракатлар қилдилар. Бизлар ҳам пешволаримиз изларидан юрадиган, охират гамида яшайдиган бўлишишимизни Оллоҳ таолодан тилаймиз.

وَصَلَى اللَّهُ عَلَى نَبِيِّنَا مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِهِ وَصَحْبِهِ أَجْمَعِينَ وَسَلَّمَ